



ЯПОН ТИЛИДА БУЙРУҚ ГАПЛАРНИНГ КЎЛЛАНИЛИШИ

Ачилова Озода

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

Калит сўзлар: буйруқ шакл, буйруқ гап, нутқий акт, япон тили грамматикаси, япон тили таълимоти.

Ҳозирги вақтда, япон тили таълимотида, жамиятда кишилар ўртасида бўладиган ўзаро нутқий акт фаолиятининг жадал ривожига етарлича наъф келтира оладиган тилга оид турфа мавзулар юзасидан илмий изланиш ишлари авж олиб бормоқда. Булар қаторига, жумладан, япон тили грамматикасига оид мавзуларни ҳам киритишимиз мумкин.

Айтиш жоизки, бундан кўзланган мақсад, тилни ўргатиш усулига оид янгиликлар яратиш эмас, балки, ўрганилиши лозим бўлган объектнинг моҳиятини ёритишда дуч келинадиган баъзи бир муаммоларни ҳал қилишга қаратилгандир. Булардан бири сифатида, япон тили грамматикасига хос бўлган “命令形” яъни, “буйруқ шакл” номи билан талқин этилувчи феъллар гуруҳини айтишимиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, япон тилининг бошланғич таълимида тилни ўрганувчи шахс тамонидан буйруқ шаклдаги сўзлардан фойдаланиш учун деярли эҳтиёж туғилмайди ва шунингдек, буйруқ шаклдаги феъллардан ташкил топган буйруқ гапларга дуч келиниши ҳам кам учрайдиган ҳолатлардан хисобланади. Япон тили грамматикасига хос бўлган буйруқ гаплар буйруқ шаклда ифодаланган сўзлардан иборат бўлибгина қолмай, бунинг акси бўлиши ҳам кузатилади. Бундай ҳолатларни, кўпинча, япон тили бошланғич таълимда тез-тез учрайдиган ҳолатлардан дейишимиз мумкин. Ушбу жараён, асосан, тилни ўргатувчи шахс уни ўрганувчи шахсга нисбатан йўналтирилган нутқ жараёнида ўз ифодасини топади.

Япон тилида буйруқ гаплардан фойдаланишда авваламбор, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро алоқа

муносабатлари муҳим аҳамият касб этиши бизга маълум. Одатда, буйруқ гап дейилганда, сўзловчи тамонидан тингловчига нисбатан қўйиладиган талаб ёки буйруқ ва уларнинг амалда ўз ифодасини талаб қилинишини англатадиган ҳолат тушунилади. Лекин, япон тилида бундай жараён баъзан, сўзловчининг тингловчига бўлган яқин ва дўстона муносабатини англатувчи грамматик шакл сифатида ҳам хизмат қилишини кўришимиз мумкин. Масалан,

Ёё ё ” Т
— ” ø ø

Ў1, 62 б]

“Узоқ чўзилган хизмат сафаридан сўнг, устозим менга: “Сен, бирор кун дам ол”,- деганларида шунчалар хурсанд бўлган эдимки...”

Буйруқ шаклдаги гаплар ҳақидаги тушунча япон олимлари тамонидан турли даврларда турлича талқин қилинган. Жумладан, “Едо” даврида фаолият олиб борган япониялик давлат арбоби Тоужоу Гимон ўзининг япон тили грамматикасига оид “Япон тили грамматикасининг изоҳли жадвали” (1833й) номли кўлланмасида буйруқ гапни “хоҳиш-истак майли” деб тилга олган бўлса, 1874 йилда яратилган япон арбоби Танаканинг “Бошланғич таълим учун япон тили грамматикаси” китобида “буйруқ шакл” деб эътироф этилади. Машхур япон тилшуноси Матсушита Дайзабуронинг “Стандарт япон тили грамматикаси”, (1928й) да эса, буйруқ гап “рухсат бериш шакли” деб таъкидланиб ўтилади. Бундай фикрлар талайгина бўлиб, ҳозирги замон Япония таълим муассасалари учун мўлжалланган “Она тили ” дарсликларида “Буйруқ шакл”



деб ўргатилиб келинмоқда. Лекин, Япониянинг “Иванами” нашриёти томонидан чоп этилган изоҳли луғатлардан бирида буйруқ маънони англатувчи гаплар қуйидаги ҳолатларда истеъфода этилиши айтиб ўтилади:

1. Мавқеи баланд шахслар томонидан жамоага нисбатан тайинланадиган буйруқ.

2. Давлат ташкилотлари томонидан ўрнатиладиган қонун-қоидаларни акс эттирувчи буйруқ.

3. Ташкилотлар томонидан махсус шахсларга юклатиладиган вазифаларнинг амалда натижаларини акс эттиришни талаб қиладиган буйруқ.

4. Раҳбар лавозимидаги шахс томонидан, иш юзасидан, ходимга нисбатан тайинланадиган буйруқ.

5. Ҳуқуқий қонун-қоидаларга оид буйруқ [4,150 б].

Аслида, “буйруқ шакл” деган тушунча “буйруқ гап” нинг концептидир, яъни унинг маънодошидир. Дунёдаги кўплаб мамлакат тилларида буйруқ гап дарак гап, сўроқ гап, ҳис-ҳаяжон гаплар қатори гапнинг бир тури сифатида талқин қилинади. Бундай гапларнинг бир-биридан фарқли жиҳати шундан иборатки, дарак гап ва сўроқ гапларда замон тушунчаси мавжуд, яъни сўзловчи нутқини замонларда туслаш ва иш-ҳаракатнинг содир бўлган вақтини аниқ кўрсатиш имконига эга бўлди.

Ушбу фикримизни “読みます”, яъни “ўқимоқ” феъли мисолида таҳлил қилиб кўрамиз:

1. ∅ (Китобхон ўқийди) келаси замон дарак гап.

2. (Китобхон ўқиди) ўтган замон дарак гап.

3. ∅ [(Китобхон ўқийдими?) келаси замон сўроқ гап.

4. [(Китобхон ўқиган эдими?) ўтган замон сўроқ гап [6,30 б].

Одатда, дарак гап ва сўроқ гапларда тингловчи сўзловчи тамонидан баён этилган фикрга нисбатан жавоб

қайтарувчи шахс сифатида наъмоён бўлади. Ҳис-ҳаяжон гаплар эса, сўзловчининг ҳиссиётини акс эттирувчи фикр баён қилинган вақтда ва замон тушунчасида ўз ифодасини топади. Яъни, ҳаяжонни ифодаловчи жумлаларни замонларда туслай олмаймиз ва бундай гаплар учун тингловчи сўзловчининг нутқига нисбатан жавоб қайтариши шарт бўлган шахс сифатида иштирок этиши ҳам муҳим аҳамият касб этмайди. Буйруқ гапларда эса, бунинг акси бўлиб, сўзловчи тамонидан баён қилинган буйруқни амалга оширувчи шахс сифатида тингловчининг иштироки муҳим ҳисобланади.

Буйруқ гапнинг ҳис-ҳаяжон гапдан фарқли тамони билан бир қаторда, уларнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуд. Яъни, япон тилида буйруқ гап ва ҳис-ҳаяжон гаплар доимо феълнинг ҳозирги замон шаклида нутқимизда намоён бўлади ва шу ҳолича тингловчига етказилади.

Маълумки, “буйруқ” деганда, сўзловчи тингловчини бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга ва унинг натижасини амалда намоён қилишга ундаши тушунилади. Аслида, япон тилида буйруқ берувчи ва буйруқ берилувчининг ўзаро муносабатини, мантиқан чуқурроқ ўйлайдиган бўлсак, қуйидаги ҳолат бўйича таҳлил қилишимиз мумкин:

- а) сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилиши шарт;
- б) сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилиши ихтиёрий;
- с) сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилгани маъқул.

Ушбу изоҳни “ 6 ” ∅ яъни “емоқ” феъли мисолида таҳлил қилиб кўрамиз. Биринчи изоҳда сўзловчи томонидан баён этилган фикрни амалга ошириши шарт бўлган шахс сифатида тингловчининг мавжудлиги муҳим ҳисобланади. Қуйидаги жумлада ушбу фикрнинг исботини кўришимиз мумкин:

“ ㄱ^e ” “ ㅈ ㅊ j ∅ ” #



な こと 言う な、 早く 食べろ”

ㄗ ~F [2,656]

“Мен шўрва ичишни хоҳламайман” десам, ойим дархол ”Бундай гапни бас қил, тезда овқатингни е” дея жавоб қайтарар эди.

Навбатдаги мисолда сўзловчи ва тингловчи тенг муносабатда эканлиги, яъни тингловчи буйруқни бажарувчи шахс сифатида эмас, балки сўзловчининг нутқини амалга ошириш учун берилган рухсат сифатида қабул қилиши мумкин.

} . ' - ;? "

” a 6 ”

}0 e来 œ .[5,566,]

“У доим ўзи тайёрлаган ширинликни мен учун олиб келар ва ”буни е” деб айтар эди, бу сафар негадир у келмади.”

Гувоҳи бўлганимиздек, ушбу мисолда сўзловчининг нутқи тингловчига нисбатан буйруқ эмас, балки ҳаракатни амалга ошириши учун “изн” маъносини

англатади. Сўнгги изоҳимизни қуйидаги нақл орқали таҳлил қилиб кўрамиз:

’ 氣 ㄗ | I ° ㄗ 1 "

6 [4,896]

“Бир умр соғлом бўлай десанг, балиқ е”.

Юқорида келтирилган жумладаги буйруқ шаклда қўлланилган “е” феълида биз буйруқни эмас, блки шунчаки маслаҳат ёки таклифни англатувчи маънони кўришимиз мумкин. Япон тилида бўладиган коммуникация нуктаи назаридан айтадиган бўлсак, сўзловчининг нутқида акс эттирилаётган “буйруқ шакл” даги сўзлар тингловчи томонидан бирор-бир ҳаракатни амалга оширилишини талаб қилиб қолмасдан, юқорида таҳлил қилинганидек, турли маъноларни ҳам ифодалаш имконига эга экан.

Сўзловчининг фикри баён эттирилган нутқни, айнан, япон тилида тўғри талқин қилиш ва аниқ хулоса чиқариш учун тингловчидан катта маҳорат ва тажриба талаб қилинади.

Адабиётлар

1. ㄗ ㄗ " # œ ㄗ # -II“ ' - Gx- 6- [Q V ㄗ =1998
2. ㄗ ㄗ“ # œ ' { E 0 «” ' - Gx- 6- [Q V ㄗ =1998
3. “ ' « _ /’— 0 y =1989
4. “広辞 ㄗ”- -2009
5. “ ? ' } P II“ Gx- 6- [Q V ㄗ =2001
6. ㄗ ㄗ“ # œ ' I” ' - Gx- 6- [Q V ㄗ =1998

Ачилова О. Использование императивной формы в японском языке. В этой статье, использование императивной формы предложения рассмотрено в анализе предложения, с точки зрения разговорной речи. Императивная форма предложения в японском языке считается одной из самых часто употребляемых, а также используется старшими по должности в процессе общения с подчиненными.

Ачилова О. The usage of imperative form in the Japanese language. The usage of imperative form in Japanese is analyzed in the article. The sentences are viewed as the from of speech. Imperative form in Japanese is considered to be mainly used by a speaker at superior positions towards their subordinates.